

## 2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 953-ҳадис

\* لِلْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ سِتٌّ مِنَ الْمَعْرُوفِ: يُسَلِّمُ عَلَيْهِ إِذَا لَقِيَهِ، وَيُجِيبُهُ إِذَا دَعَاهُ، يُشَمِّتُهُ إِذَا عَطَسَ، وَيَعُودُهُ إِذَا مَرَضَ، وَيَتَّبِعُ جَنَازَتَهُ إِذَا مَاتَ، وَيُحِبُّ لَهُ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ.

(رواه أحمد)

Мусулмоннинг мусулмон устидаги яхшилик қилиш ҳақи олтидир. 1. Йўликқанда салом бериши. 2. Чақирганда бориши. 3. Акса уриб, «Алҳамдулиллаҳ» деганда, «Ярҳамукаллоҳ», деб жавоб қайтариши. 4. Касал бўлганда зиёрат қилиши. 5. Вафот этганда жанозасига эргашиши. 6. Ўзи учун яхши кўрган нарсани унга ҳам яхши кўриши.

Аҳмад ривояти.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

